



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 14 июнь, шанба

№48 (11.539)

Эркин нархда сотилади

ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Кўхна Буюк Ипак йўли-даги икки мамлакат халқлари тарихан бир-бирлари билан шу қадар боғлиқ бўлишганки, улар ўртасидаги дўстона алоқалар асрлар давомида табиий равишда ривожланиб борган. Чунончи, тилга олинаётган қадим савдо йўли нафақат тижоратни тараққий эттиришга, балки ўзаро маданий-маърифий алмашувлар ҳам илгир шаклланишига хизмат қилган.

Яқинда Токиодаги Халқаро дўстлик маркази-“IFC” ҳамкорлигида республикамиз элчихонаси биносида Ўзбекистон дўстлик кечаси японияликлар ташаббуси билан ўтказилганлигини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Ушбу марказ аъзолари фан ва маданият соҳаси, ишбилармонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иборат.

Тадбирнинг асосий қисми “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” номли викторинага ажратилди. Унда қадимий маданиятимиз ва иқтисодиётимиз, ўлкамизнинг ўзига хос иқлим шароитига доир мавзулар қамраб олинди. Танлов натижаларига кўра, “NEC” компаниясининг ходими Юки Мураками биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, билимдонлар ўйинида фаол иштирок этган барча қатнашчиларга Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Б. АЛИМОВ
«Жаҳон» АА,
Токио.

«Баркамол авлод - 2003»

«ДАМАС» БИЛАН ҚАЙТИШДИ



СУРАТЛАРДА: вилоятимиз спортчилари.
Е. БОТИРОВ олган сурат.

Вилоятимизнинг ёш спортчилари Андижон вилояти ўйингоҳларида бўлиб ўтган «Баркамол авлод-2003» спорт мусобақаларида 27 та олтин, 36 та кумуш, 9 та бронза, жами 72 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгалладилар ва Президентимизнинг махсус соврини — «Дамас» автомашинаси билан тақдирланишди.

Кеча эрта тонгда Тошкент темир йўл вокзалида вакилларимизни кутиб олишга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Тантанали маросимда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев ёш спортчиларимизни юксак ғалаба билан самимий табриклаб, вилоят ҳокимлиги ва бутун халқи номидан миннатдорчилик изҳор этди.

Спортчиларимиз эришган натижалар билан газетанинг 6-саҳифасида танишасиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

2003 йилнинг 13 июнь кўни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XVI сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва қотибиятлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича ўринбосарлари, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари раислари, шаҳар, туман ички ишлар бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Умнат Мирзақулов бошқарди.

Депутатлар шу кўни вилоят ижтимоий, иқтисодий ҳаётига тааллуқли бир қатор муҳим масалаларни муҳокама этдилар. Кўн тартибидаги биринчи масала — вилоят ҳокимининг қабул қилган қарор ва фармойишларининг жойлардаги ижроси ҳамда «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Қўйичирчиқ, Бўқа, Пскент туманлари ва Бекобод шаҳар ҳокимликлари томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишларнинг қонунийлиги, иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар тўғрисида 14-Трансфор-

маторчилар сайлов округидан депутат, вилоят Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссияси раисининг ўринбосари Дониёр Азизхўжаев маъруза қилди. Ушбу масалани муҳокама этишда Бекобод шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддинов, Пскент тумани ҳокими Абдували Ғофуров иштирок этдилар.

Шундан сўнг, сессияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиги-

ни мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойлардаги ижроси ҳақида гап борди. Бу масала юзасидан 42-«Юнусобод» сайлов округидан депутат, вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш доимий комиссияси аъзоси Сирожиiddин Аъзамов ахборот берди. Ушбу масалани кўриб чиқишда қатнашган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Феруза Раҳматуллаева, Оққўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муҳаррам Султонсаидова ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Сессияда учинчи бўлиб, Тошкент вилоятида «Обод маҳалла йили» Давлат дастурининг бажарилиши бўйича 2003 йилнинг ўтган даври давомида олиб борилган ишлар тўғрисидаги масала чуқур ва атрофлича кўриб чиқилди. Бу ҳақда 28-«Ўнқўрғон» сайлов округидан депутат, вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий

ривожланиш доимий комиссияси аъзоси Меҳрибон Тожиева маъруза қилди. 38-«Қуёш» сайлов округидан депутат Маҳмуджон Тоиров, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Тўлқин Миркомиллов ҳам дастур ижроси бўйича сўз олдилар.

Кўн тартибига киритилган — вилоят ҳудудида мутасадди идоралар томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳудуд барқарорлиги ҳамда фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ва наркотик моддаларни назорат қилиш комиссиялари томонидан гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги масала юзасидан 27-«Ўзғариш» сайлов округидан депутат, вилоят Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссияси қотиби Фатҳиддин Муҳиддинов маъруза қилди. Уни муҳокама этишда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Мирсамад Одилов иштирок этди.

Шундан кейин депутатлар халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг доимий комиссиялари таркибига ўзгаришлар киритиш ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан сессиянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

2003 йил — Обод маҳалла йили



ОЛДИНДА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида сўнгги йилларда янги касалхоналар, мактаблар, турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, замонавий сув ҳавзаси қурилишига ҳам киришилди. Энг муҳими, бу қурилишларнинг ҳаммасини хўжалик ўз ҳисобидан амалга оширди. Ана шундай бунёдкорлик ишларида ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Тошкент вилояти Кенгаши депутати Искандар Фозиловнинг саъй-ҳаракатлари эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан хўжалик ҳудудида янада кенг кўламдаги ободончилик ишлари режалаштирилмоқда. Бу хайрли ишларга ҳам бошқарув раиси бош-қош бўлмоқда.

СУРАТДА: ширкат хўжалиги бошқаруви раиси И. Фозилов (ўндан учинчи) маҳалла фаоллари билан келгусидаги режалар ҳусусида фикрлашмоқда.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Тадбир

Фойдали Машғулот

Мамлакатимизда суд ва ҳуқуқ идоралари ислохотлари давом этяпти. Бу жараён-да суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш етакчи вазифа ҳисобланади. Уни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган семинар Тошкентда бўлиб ўтди.

Машғулотда Конституциявий, Олий, Олий хўжалик судлари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси раҳбарлари ва ходимлари иштирок этишди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Конституциявий суд ва оммавий ахборот воситаларининг қўллаб-қувватлашда журналист мавқеининг ўзига хослиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан матбуот ўртасидаги муносабат масалалари ҳусусида фикрлашиб олинди.

Семинарда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Олий Хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, Республика Бош прокуратори Р. Қодиоров, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа идораларнинг масъул ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўз мухбири.

«ҚЎРИҚЛАШ-2003»

Вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан Ангрен шаҳрида «Қўриқлаш-2003» амалий тадбири бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда маҳаллаларда уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш борасида қилинаётган ишлар муҳокама қилинди ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳусусида фикрлашиб олинди.

Ўз мухбири.

Ўза парвариши қандай бормоқда?

Ёзининг иккинчи ўн кўнлиги ҳам яримлади. Деҳқончилик, айниқса, ўза парваришида долзарб диллар бошланди. Мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун айни кўнларда парваришни маромида ўтказиш талаб этилади. Лекин, беш қўл барабар эмас. Бўка, Кўйичирчик, Пскент туманларидаги айрим хўжаликларда ғанимат фурсатдан самарали фойдаланилмаётган, баъзи пайкалларни бегона ўтга бостириб, яганалашни кечиктираётганлар ҳам бор.

Биз ҳикоя қилаётган Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» ширкат хўжалигида ҳам ўтган йили биринчи марта белгиланган пахта режаси урдаланмади, 87 фоизда қолиб кетди. Деҳқонларга алам қилди. Нега шундай бўлди, нега мўлжалдаги ҳосил хирмони яратилмай қолди?

Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди, албатта. Бир томондан табиий офат билан боғлиқлигидан кўз юмиш инсофдан эмас. Гап шундаки, ўзалар энди ўзини ростлаб, қаторлар кўзга яққол ташланиб қолган бир пайтда бирданига ҳаво ўзгариб, жала ёғди, унинг орқасидан дўл уриб берди. Пайкалларни 10 сантиметр қалинликда дўл қоплади. Кўп кўчатлар нобуд бўлди. Оқибатда ўза сийрак бўлиб қолди. Гектарига ўрта ҳисобда 70 минг тупдан кўчат қолди. Бу, албатта, етарли эмас эди. Ахир, ҳосил тупдан олинади,

деб бежиз айтишмайди. Лекин шундай шароитда ҳам айрим уста деҳқонлар эпини қилишди. Масалан, пудратчи Шухрат Шарипов 10 гектар ердан 27 тонна ўрнига 34 тонна пахта топширди. Маҳмуд Усмонов саккиз гектар майдондан 29 центнердан ҳосил кўтарди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, йил якунланиб, ишлар таҳлил қилинганда илғор тажрибани ўрганиш учун узоққа бориб юриш шарт эмас.

— Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши керак, — дейди оддий сувчиликдан биргадир-

ликка кўтарилган, сўнг бошқарув раиси этиб сайланган суҳбатдошимиз Эркин Фуломов. — Деҳқон қачонки ҳамма ишим яхши, деб хотиржамликка берилса, билинги, ишидан путур кетаради. Айниқса, чигит униб чиқиб, ишлов беришга кири-

шилган пайтда айрим пудратчилар далаларнинг ўт босиб кетишига йўл қўйдилар, яганани кечиктирдилар. Бу камчиликларни тугатиш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўрилди. Юқоридан келган текширувчилар аниқланган хато ва камчиликларни тугатишда бизга фойдали маслаҳатлар бердилар. Ҳозирги пайтда салкам 900 гектар майдонимизнинг ҳар гектарида ўрта ҳисобда 100-110 минг тупдан кўчат сақлаб қолинган. Яганадан чиқарилмаган, бегона ўтдан тозаланмаган далалар қол-

Тақдимот

«ЧАШМА» ИШ БОШЛАДИ

Паркент туманидаги Сўқоқ қишлоғида аёллар ва болаларни миллий хўнарамдчилик бўйича тайёрловчи «Чашма» марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

У Фарбий Тянь-Шань табиати биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё чегаралараро лойиҳасининг Ўзбекистон миллий бўлими, Тошкент шаҳар ногирон аёллар ҳамда болалар маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида Жаҳон банкининг кичик грантлар дастури ҳисобига ташкил этилди. Бу ўқув марказида сўқоқликлар халқ хўнарамдчилик турларидан зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик бўйича билим оладилар.

Тадбирда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходими Барел Лайн ҳамда қатор халқаро ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Улар марказ ҳақида ва унинг бугунги кунда қишлоқ аҳолиси учун аҳамияти тўғрисида ўзларининг фикрларини билдиришди.

Марказни ташкил этишдан мақсад Чотқол кўриқхонаси ҳудудида жойлашган Сўқоқ қишлоғи ҳамда унинг халқи учун касб ўргатиш ва янги иш ўринлари ташкил этишдан иборат. Шу йўл билан тирикчилик важида аҳоли томонидан табиатга етказилаётган зарарларнинг олдини олиш ҳам кўзланмоқда.



«Чашма» ўқув маркази Паркентдаги бўлим сифатида фаолият юритади. Бу ерда сўқоқлик ногиронларга келгусида халқаро ташкилотлар кўмагида компьютер марказини ташкил этиш ҳам режалаштириляпти.

Очилиш маросимида марказнинг илк қалдирғочлари ҳисобланган 48 нафар йигит-қизга сертификатлар топширилди. Улар томонидан ишланган хўнарамдчилик буюмларининг кўрғазмаси йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

мади ҳисоб. Чунки, ҳар бир пудратчи ўзининг имконияти, оиладаги жон бошига қараб ер олган. Шартнома талаблари хўжалик томонидан ёки пудратчи томонидан тўлатўкис бажарилмаса, қандай зиён кўрилиши аниқ ёзиб қўйилган.

Дарҳақиқат, хўжақўрғонликлар ўтган йили қўл қўйилган камчиликларнинг қайтарилмаслиги учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Далаларни айланиб, деҳқон билан мулоқотда бўлиб, улар қилаётган ишларга разм солсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Ҳозирги пайтда асосий эътибор табиий офат тундаги май ойининг охирларида бузиб қайта экилган 80 гектарга яқин майдондаги қоқоқ ўзаларни аввалгилари қаторига етказиб олишга қаратилган. Бошқа далалардаги ўзалар ҳолати ҳам қаноатланарли. 600 гектар ерда экин 5-6 чинбарг чиқариб, шигил шонага кирмоқда. Улар бирин-кетин гул кўрсатиб, ана шу гулларнинг тўлиқ кўсакларга айланиши эса деҳқоннинг бугунги кундаги ғайрати, ташаббуси ва тажрибасига боғлиқдир. Хўжақўрғонликларда эса бундай тажриба етарли.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
мухбири.

ТАЖРИБА — ЁНИНГИЗДА

Битирувчи — 2003



МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Кибрай туманидаги Тошкент ўрмон мелиоратив техникуми йигирма тўқиз йилдан буён вилоятимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига 600 минг нафардан ортиқ мутахассис етказиб берди. Улар айна вақтда бу тармоқнинг турли тузилмаларида меҳнат қилмоқда. Тала-

балар агрономия ва қишлоқ хўжалиги механизацияси йўналиши бўйича таҳсил олишди. Бу йил ўқув даргоҳидан 350 нафар ёш кадрлар етишиб чиқади.

Бўлажак кадрлар ҳозирда битирув имтиҳонларини топширмоқдалар. 2003-2004 ўқув йилининг биринчи

босқичи учун техникумга тўққизинчи синф маълумоти-га эга бўлган ўқувчилардан 375 нафарини қабул қилиш белгиланган.

СУРАТДА: талабалар имтиҳон пайтида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ангрен аҳолисининг сони жиҳатидан вилоятимиздаги энг йирик шаҳарлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ичимлик сув таъминоти узок йиллардан бери кескин муаммо бўлиб келарди. Айниқса, кўп каватли уйларнинг юқори каватларига оби-ҳаёт етиб чикмас, айрим ҳолларда бутунлай бўлмас эди.

ИЧИМЛИК СУВ
ТАРМОҒИ ТОРТИЛДИ

Ниҳоят, вилоят ҳокимлиги ёрдамида бу муаммони ҳал қилишга киришилди. Шаҳар юқорисидаги Оҳангарон сув омборидан сув келтириш учун 6,3 километр узунликда қувур ётқизишга киришилди. Ҳар бирининг айланаси 1 метрли икки қатор қувур тармоғини қуриш ишлари жадвал асосида тезкор олиб борилди. Қуни кеча эса бунёдкорлар уни тўла қўлдан чиқардилар. Аҳолига бир йилда 100 минг кубметр ичимлик суви етказиб бериш қувватига эга бўлган бу иншоотни амалда ишлатиб, синаб кўришди. Яқин кунларда у тўла фойдаланишга топширилади.

Ўз мухбиримиз.

Ёз — ўтмоқда соз

ТАЪТИЛ КУНЛАРИ
МАРОҚЛИ

Ёзги таътил кунлари болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш тобора жиддий аҳамият касб этаётир. Бунга тўғри англаган. «Маҳалла» жамғармасининг Янгийўл шаҳар бўлими хилма-хил тадбирлар режасини амалга ошира бошлади. Маҳаллаларда ўсмирлар учун турли учрашувлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ташкил этилаётти.

— Бу борада Назарали Ниёзов номидаги маҳалламизнинг педагог-тарбиячиси Мавлуда Болтабоева алоҳида ташаббус кўрсатмоқда, — деди шаҳар бўлимининг раиси Бахтиёр Мирзаалиев. — У жамоатчиликка суяниб, вояга етмаганлар тарбиясига эътиборни кучайтириб, уларни турли тадбирлар ва спорт мусобақаларига жалб қилишга эришяпти.

Чунончи, кўчалар бўйича футбол жамоалари шакллантирилиб, маҳалла биринчилиги ўтказилаётти. Шоҳмат тўраги машғулотларида ўнлаб ўғил-қизлар қатнашяпти. Яқинда шоҳмат бўйича шаҳар биринчилигида шу маҳалла жамоаси иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Бу мусобақаларда жамоа аъзоси шоҳматчи Александр Турбинга тенг ўйинчи топилиши қийин бўлди.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«БАЛОҒАТ
ДОВОНЛАРИ»

(2003 йил, 30 апрель)

Газетамизда «Балоғат довлонлари» сарлавҳали мақола босилган эди. Мазкур мақолага Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев имзоси билан жавоб хати олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Балоғат довлонлари» мақола-си юзасидан Бўстонлик, Оҳангарон ва Пскент туманларида ўрганиш ишлари олиб борилди ва қуйидагилар аниқланди.

Пскент туманидаги 5-ўрта мактаб бўйича:

Ушбу масала туман халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда 5-ўрта мактабнинг педагогик жамоаси ўртасида кенг муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Туман халқ таълими бўлимининг вояга етмаган ёшлар билан шуғулланувчи масъул ходими А. Қудратовга масалани янада тўлароқ ўрганиб, навбатдаги кенгаши йиғилишига ахборот тайёрлаш юклатилди.

Оҳангарон тумани бўйича: Туман халқ таълими бўлимига қарашли 16-ўрта мактаб «Серка қирилди» қишлоғида жойлашган. Бу қишлоқ «Курама» фуқаролар йиғини ҳудудига қарайди. Фуқаролар йиғини оксоқоли Раимберди Маматовдир.

Мақолада исми-шарифлари кўрсатилган болалар мактабда ўқишмайди, мақолада долзарб масала кўтарилганлиги учун туман халқ таълими бўлимининг барча ходимлари ўртасида ишлаб чиқилди ва май ойида бўлиб ўтган халқ таълими бўлими кенгашида атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, туманда вояга етмаганлар, уларнинг ота-оналари билан ишлаш-ни янада такомиллаштириш, жонлантириш, мақолани нафақат мактабларда, балки, маҳалла

фаоллари, аҳоли ўртасида ишлаб чиқишга ҳам қарор қилинди.

Бўстонлик тумани бўйича: Мақолада кўрсатилган 10-мактаб Хондойлик қишлоғида жойлашган. Мақола чоп этилганидан сўнг туман халқ таълими бўлими ўзининг барча мутахассисларини жалб қилган ҳолда мактабнинг педагогик жамоаси ва ота-оналар ўртасида кенгаштирилган ўрганиш ишларини ташкил этди ва кўрсатилган камчиликлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

10-ўрта мактабнинг 13 та синф жамламасида 1179 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Мактаб раҳбари Муратов Файзулла 2002 йил ноябрь ойидан бунён шу лавозимда ишлаб келмоқда. Ёш раҳбарга тегишли услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Мактабнинг спорт майдончаси қайта жиҳозланди, оталиқ ташкилоти томонидан 500 минг сўмлик ёрдам кўрсатилиши қафолатланди. Ҳозирги кунда мактабда бокс, кикбоксинг, эркин кураш тўғрақлари учун махсус хоналар ажратилиб, спорт анжомлари билан таъминланди. Янги ўқув йилида «Хондойлик» ширкат хўжалиги томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Йўл қўйилган камчиликлар учун мактаб директори Ф. Муратовга ҳайфсан эълон қилинди.

Ушбу долзарб масала вилоятнинг барча таълим муассасаларида ишлаб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди».

«ҲАМОН ЭСКИ «ТАМҒА»МИ?»

(2003 йил, 17 май)

Оққўрғон туманидаги Гулистон қишлоқ врачлик пунктида «эски давр» муҳри янгиланмасдан, ҳамон ундан фойдаланиб келинаётгани хусусида газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида лўкма эълон қилинган эди. Шу материал юзасидан туман ҳокимлигидан расмий жавоб олинди. Унда шундай дейилади:

«Мақола барча қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва ҳудудий поликлиника мудирлари иш-тирокида муҳокама қилинди.

Ўз вазифасига лоқайдлик ва масъулиятсизлик билан ёндошганлиги учун Гулистон қишлоқ врачлик пункти мудир Ф. Умаров Марказий шифохона бош шифокори И. Салимовнинг 20-сонли қарорига асосан эгаллаб турган вазифасидан озод этилди».

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2003 йил 16, 23, 30 июль ва 6, 13, 20, 27 август кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Паркент шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган «Қумушқон» ОАЖ-га қарашли сатҳи 0,06 га бўлган иккита ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 52 200 сўм.

2. Тошкент вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли «ВА3-2106» русумли, давлат рақами 11 AD 763 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 644 000 сўм.

3. Тошкент вилояти Башорат ва биоусул лабораториясига қарашли «ВА3-21063» русумли, давлат рақами 02-98 ТШБ бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 315 000 сўм.

4. Тошкент вилояти хўжалик судига қарашли ДЭУ Сиело русумли, давлат рақами 10 AI 742 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 462 400 сўм.

Ер майдонларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмаган қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва

ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Хусусийлаштиришга ка'маклашish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мо-вароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Dushanba

16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.30 «Бир кулишайлик».
9.45 «Умр мазмуни».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Қора қискичбақа чангалида». Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиоканаллари камер оркестрининг концерти.
11.55, 12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».

Ўзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»: 12.30 1. «Санъат гунчалари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.30 «Санъатга бахшида умр». М. Турғунбоева.
14.10 Кундузги сеанс: «Уйга йўл». Бадий фильм.
15.30 «Яхшилик». Телешоу.
16.20 «Камила». Телесериал.
16.50 ТВ клип.
17.00 «Сихат-саломатлик».
17.20 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 «Томчи сувда ҳаёт жилваси».

Хужжатли фильм.
18.50 Эстрада тароналари.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Қўпчилик қаторида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал.
22.45 ТВ клип.
22.55 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
23.15 «Япония турмуш тарзи». Хужжатли

телесериал премьери.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30 ТВ - анонс.
17.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
18.00 «Янги авлод» почтаси.
18.15 «Мульттомоша».
18.30 Ёшлар овози.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Илдиш ва япроқ.
20.00 Мусикий лаҳзалар.
20.10 Сув - ҳаёт манбаи.
20.15 «Меҳр кўзда».

Мактубларга шарҳ.
20.35, 21.20, 22.35 Ёшлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».
18.10 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.05, 21.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».

19.15 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.25 «Авто-news».
22.05 Кинонигоҳ. «Бу бепоён олам».
23.50.23.55 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Ҳисор қўриқхонаси». Телефильм.
17.10 «Европе» янгилликлари.
17.30 «Ҳазил-кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Бежинчи бурчак». Сериал.
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Ўз ўзига».

режиссёр».
22.30 «Соломея». Сериал.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача про-филактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур».
17.30, 20.45 «Телеҳамкор».
18.00 «30-канал» киноқшоми: «Эртанги кун ҳеч қачон ўлмайди».
19.30 «Ошиқона» мусикий дастури.
19.45 «Бежинчи фаришта». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Оталар куни».
23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Жавохирлар дунёси», «Тошлар тилга кирганда».
9.20 «Мусиқа бустони». Телеальманах.
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Эмма». Бадий фильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Қўпчилик қаторида».
12.25 «Мулкдор».
12.45, 14.40, 15.55 ТВ анонс.
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.45 Кундузги

сеанс: «Сохри саргузашт». Бадий фильм.
16.00 «Портретга чизгилар».
16.20 ТВ клип.
16.30 «Покахонтас». Мультсериал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуи».
18.30 «Олтин бешик».
18.50 «Қалқон».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Эл саломатлиги йўлида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал

(Яқунловчи)
22.45 «Қиш сонатаси: Премьердан сўнг».
«Спорт» дастури: 23.00 1. «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
2. Самбо бўйича Ўзбекистон чемпио-нати.
23.45 «Ахборот-дайжест».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виждон» 9-қисм.
10.00 ТВ-анонс.
10.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, «Меҳри-гий» ансамбли, Мультфильм.
11.05 Бизнес - академия.
12.00 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.

12.20 Кўхна оҳанглар.
12.30 Сув - ҳаёт манбаи.
12.35 Илдиш ва япроқ.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ўзги таътил экран: «Самовий саргузаштлар» 5 - қисм.
13.35 Мозийдан келажакка.
13.55 Интерфутбол.
15.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.00 Кишлоқдаги тенгдошим.
16.20 «Олти жаҳон-гашта». Бадий фильм.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.50 ТВ - анонс.
17.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.10 Қуёшли юрт одамлари.
18.25 Автопатруль.
18.45 ТВ - анонс.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» интер-вью.
19.50 ТВ - анонс.

19.55 «Ёшлар» теле-налида премьера: «Антика томоша».
Хужжатли фильм 1-қисм.
20.20 Марди майдон.
20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» теле-налида спорт дасту-ри: 1.Нокаут, 2.Тен-нис.
23.50-23.55 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».
18.10 «Химоя».
18.30, 20.00, 21.05, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Хамшаҳарлар».
19.15 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.25 «Туризм»

ҳақида».
22.20 Кинонигоҳ. «Шарпа овловчилар» 1-қисм.
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Европе» янгилликлари.
17.30 CF1 такдим этади: «Денгиз афсоналари».
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 А. Малининнинг концерт дастури.
20.00 «Время».
20.40 «Бежинчи бурчак». Сериал.
21.45 «Бизнес ревью».
21.50 «Хроника».
22.00 «Дунё мамла-катлари».
22.20 «Софи Лорен». Машхурлар туркуми-дан.
22.50 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)

23.00 «Соломея». Сериал.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал.
10.40 «Маърифий дастур».
11.10 «Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Оталар куни». Фильм.
13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30»да спорт.
16.50 «Хужжатли сериал».
18.00 «30-канал» киноқшоми: «Омега коди».
19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур.
19.45 «Бежинчи фаришта». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Пистирма».
23.15 «Рестлинг титанлари».

Chorshanba

18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Шарқ таронала-ри».
9.20 «Рангин дунё».
9.40 «Меҳрибон тулки». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Малласоч хоним». Бадий фильм.
11.40 «Мусиқамиз хазинасидан». 1-қисм.
Ўзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»: 12.05 «Хатлар ороли». Мультфильм.
12.30 «Баркамол авлод орзуи».
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.

14.10 «Эл саломатлиги йўлида».
14.30 Кундузги сеанс: «Омад ҳамиша келавермайди». Бадий фильм.
15.40 «Ягона оилада».
16.10 «Алломиш» изидан. Видеофильм. 4-қисм.
Ўзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»: 16.30 1. «Юграмиз-чопамиз».
2. «Ёш юлдузлар».
17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпио-нати. «Пахтакор».
«Сурхон». «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - Янгилликлар.
19.15 Бир жуфт кўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист таҳлили».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.05 «Тарих кўзгуси».
22.20 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпио-нати.
22.45 «Агар Сиз». Токшоу.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» - интер-вью.
9.30 Тонгги сериал: «Виждон» 10-қисм.
10.15 ТВ-анонс.
10.20 Тараққиёт уфқлари.
10.40 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

11.00 Қуёшли юрт одамлари.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Олов билан юзма-юз.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 «Ақлдан оздир-диган ўйинлар». Сериал.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ўзги таътил экран: «Самовий саргузаштлар» 6 - қисм.
13.35 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
13.55 «Ёшлар» теле-налида спорт дасту-ри: 1.Нокаут, 2.Тен-нис.
15.00 Ҳазил соғинчи.
15.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.45 Автопатруль.
16.05 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадий фильм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Оқ қабу-тар.
17.40 Болажон.
17.55 ТВ - анонс.
18.00 Қафолат.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Лабиринт.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Мусикий лаҳза-лар.
20.20 Чемпион сирла-ри.
20.40 ТВ - Бинго анонси.
20.45, 21.30, 22.35 Ёшлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.35 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» теле-налида спорт дасту-ри: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».
18.10 Болажонлар экран.
18.30, 20.00, 21.05, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусикий

меҳмонхона».
19.15 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.25 «Янги иқтисод».
Бевосита мулоқот.
22.15 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
23.00 Кинонигоҳ. «Шарпа овловчилар» 2-қисм.
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Хинд оҳангла-ри».
17.10 «Европе» янгилликлари.
17.30 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий дастур.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Заиф бўгин».
20.00 «Время».
20.40 «Бежинчи бурчак». Сериал.
21.45 «Бизнес-ревью».
21.50 «Спорт техноло-

гияси».
22.10 «Олам бўйлаб».
22.55 «Соломея». Сериал.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30»да спорт.
11.10 «Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Пистирма». Фильм.
13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.50 «Хужжатли сериал».
18.00 «30-канал» киноқшоми. «Учар голландиялик».
19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур.
19.45 «Бежинчи фаришта». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Ғолиблар - ғуноҳкорлар».
23.15 Спорт дастури.

Payshanba

19

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ўзги таътил кунла-рида.
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Юграмиз-чопамиз».
2. «Ёш юлдузлар».
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгилликлар.
10.05 «Олтин маъбу-да». Бадий фильм.
11.20 «Хунарманд».
11.40 «Мусиқамиз хазинасидан». 2-қисм.
12.05 «Дуоибад». Бердақ номидаги қорақалпоқ театри-нинг спектакли. 1-қисм.
13.05 «Иқтидор». Интеллектуал теле-ўйин.
13.40 «Журналист

тахлили».
14.10 Кундузги сеанс: «Шаҳарликлар». Бадий фильм.
15.30 «Оламни ас-ранг!».
15.50 «Камила». Телесериал.
16.20 «Алломиш» изидан. Видеофильм. 5-қисм.
Ўзги таътил кунлари-да.
«Болалар сайёраси»: 16.40 1. «Сохри харфлар оролчаси».
2. «Таътилдаги болалар».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Ўзбекистон -

Ватаним маним!»
18.30 «Ўзингни, ўз ўйингни ўзинг асра!»
18.45 «Маҳалламиз стадиони». Спорт дастури.
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртакла-ри».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Ўзбекистон» каналда илк маро-

таба: «Камила». Телесериал.
22.15 ТВ клип.
22.25 «Тарих кўзгуси».
22.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.40 «Ахборот-дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виждон» 11-қисм.

10.00 ТВ - анонс.
10.05 Болажон.
10.20 «Янги авлод» студияси: Оқ қабу-тар.
10.40 Тафаккур ёлқинлари.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Кўхна оҳанглар.
12.05 Спорт қитъаси (рус тилида)
12.35 Чемпион сирла-ри (рус тилида)
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ўзги таътил экран: «Самовий саргузаштлар» 7-қисм.

13.35 Интерфутбол.
15.15 Мезон.
15.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.00 ТВ - анонс.
16.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман, Мультфильм.
17.40 Бахтли бола-лик кўшиқлари.
17.50 Озод юрт фарзандлари.
18.05 ТВ - анонс.
18.10 Ракурс.

Эртага – тиббиёт ходимлари куни

Сўнги йилларда экологиянинг кескин ўзгариши инсонлар орасида турли хил касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида тиббиёт соҳасига талабни янада кучайтиряпти.

ШИФОКОРЛИК –
МАСЪУЛИЯТЛИ
КАСБ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Вилоят тиббиётчилари ҳам ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга оширишга, аҳолига кўнгилдагидек тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Касалликларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зудлик билан керакли чора-тадбирларни кўриш мақсадида чекка ҳудудларда қишлоқ шифокорлик пунктларининг иш бошлаётгани ана шу мақсадга қаратилгандир. Айни кунда уларнинг умумий сони 135 тага етди. 65 та қишлоқ шифокорлик амбулаторияси ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бундан ташқари вилоятда 10 минг 476 нафар беморга бир йўла тиббий хизмат кўрсата оладиган 97 та шифохона, шунингдек, 217 амбулатория-поликлиника муассасалари фаолият юритмоқда.

МИНГ РАҲМАТ



Тошкент вилоят Марказий касалхонасининг шифокорлари беморларни тез ва малакали даволашда ибратли тажриба орттиришган. Бу ишда, айниқса, олий тоифали шифокор, неврология бўлимининг мудир Лидия Ивановна Чижова, биринчи тоифали шифокор Любовь Алексеевна Романенко, ҳамширалардан (суратда: чапдан ўнгга) София Ямолеева, Лена Дьяконова, Нодира Муталова, Насиба Ўразбоевалар алоҳида намуна кўрсатишяпти.

— Қўли енгил, меҳрибон шифокорларни касб байрамлари билан чин дилдан қутлайман, — дейди шифохонада даволаниб, ўз оиласи кучоғига қайтаётган меҳнат фахрийси Абдуғофур Комилов.

Шаҳноза МАЛИКОВА.
Даврон АҲМАД олган
суратлар.



Муолажа жараёни.

Тахририятга
мактубБИЗ
УЛАРДАН
МИННАТДОРМИЗ

Аҳолига малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда санавиациянинг аҳамияти ниҳоятда бебаҳо. Тошкент шаҳридан 100-110 километр олисдаги Ангрен шаҳрига — йилнинг қайси фасли эканлигидан қатъи назар, куннинг қайси вақти экани-ю об-ҳаво авзойига қарамай, шифокорлар дарҳол етиб келишади. Уларнинг ёрдами билан қанчадан-қанча оғир беморлар даволанмоқда. Республика санавиацияси тиббиёт жонкуярлари Мунира Саидрасулова, Бобур Ҳолиқов, Димитра Арбузова, Галина Уховалар ҳамда булар ёрдамида болалар шифохонамизга чақирув бўйича жўнатилган барча малакали шифокорларни тиббиёт кўни муносабати билан қутлаб, уларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Гулсара ЭРБЎТАЕВА,
Ангрен шаҳар болалар
шифохонасининг бош
шифокори.

Sport

«Баркамол авлод-2003»

«ДАМАС» БИЛАН
ҚАЙТИШДИ

Ҳақиқатан ҳам вилоятимиз ёш спортчилари Андижон ўйингоҳларида чинакам жасорат кўрсатишди. Боиси, ўйинларнинг республика финали мусобақаларнинг энг йирик анжумани саналади.

2001 йил Жиззах вилоятида бўлиб ўтган «Баркамол авлод-2001» спорт мусобақаларининг республика босқичида вакилларимиз 3 ўринни эгаллашган эди. Бу йил эса, ютуқларни мустақамлаш учун астойдил курашиб, иккинчи ўринни забт этишди. Улар жами 72 та, жумладан, 27 та олтин, 36 та кумуш ҳамда 9 та бронза медалларини қўлга киритишди. Ушбу мусобақаларга мезбонлик қилган андижонлик ёшлар бирин-



чи ўринни эгаллаган бўлсалар, учинчи ўринга Фарғона вилояти жамоаси кўтарилди.

Спорт турларининг етакчиси ҳисобланган енгил атлетика мусобақаларида вакилларимиз 437 очко жамғарган ҳолда шохсупанинг биринчи поғонасига кўтарилишди ва вилоятимизнинг умумий жамғармасига 9 та олтин, 4 та кумуш ҳамда 8 та бронза медалини қўшишди.

Оғир атлетикада эса учинчи ўрин эгалланди. Футбол бўйича финалда беллашиб Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятлари жамоала-

рига насиб этди. Шиддатли ва мурасиз кечган бу ўйинда олтин медал Тошкент вилоятига насиб этди.

Чарм қўлқоп усталари баҳсида вакилларимизнинг вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишга астойдил интилишлари ўз самарасини берди. Иккинчи ўрин. Ёмон кўрсаткич эмас.

Баскетбол мусобақаларида 13 очко тўплаган қизларимиз ҳам иккинчи ўринга кўтарилишди. Ўғил болалар ўртасидаги волейбол, стол тенниси, сузиш баҳсларида вакилларимизга олтинчи ўринлар насиб этди.

Белбоғли курашчиларимиздан 55 килограммгача вазн тоифасида майдонга тушган Холдорбек Дадаматов олтин медални қўлга киритган бўлса, 77 кило-

граммгача вазндагилар баҳсида яна бир вакилимиз Қобил Йўлдошев кумуш медал соҳиби бўлди.

Қизлар ўртасидаги ўтган қўл тўпи беллашувларида вилоятимиз спортчилари финалда андижонлик қизлар билан кураш олиб бориб, кумуш медал билан қифояландилар. Вакилларимиз уч тур бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

Шундай қилиб, Тошкент вилояти ёш спортчилари бу сафар тенгдошлари орасида иккинчи бўлишди. Бу сўзсиз катта ютуқ, катта ғалаба. Бу муваффақиятнинг салмоғи яна шуниси билан қимматлики, 2005 йилда «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг финал босқичи вилоятимизда ўтказилади. Эстафетани муносиб натижа билан қабул қилиб олган ёшларимизнинг фикри қатъий. Энди фақат голиблик учун курашилади. Биз ҳам уларга келгуси ҳаётларида ва мусобақаларда омад тилаб қоламиз.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Sport

Олий табақа

«ДЎСТЛИК»КА
НИМА БЎЛДИ?

Мамлакат XII миллий чемпионатида навбатдаги 12-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Саккиз учрашувнинг бештасида майдон эгалари, иккитасида меҳмонлар ғалаба қозондилар. Дарвозаларга жами 30 тўп киритилди.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси сафардаги ўйинни «Гулистон»га 2:1 ҳисобида бой бериб, жадвалда бир поғона пастга, еттинчи ўринга тушиб кетди. «Металлург» сўнги турларда муваффақиятли ўйнаётган «Сурхон» билан баҳс юритди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан фаол ҳаракат қилган вакилларимиз ҳисобни очишга эришдилар. Бироқ, ҳар икки жамоанинг шундан кейинги уринишлари натижа бермай, ҳисоб 90-дақиқагача ўзгаришсиз сақланиб қолди.

Учрашув бош ҳаками томонидан қўшиб берилган дақиқада майдон эгаларининг ҳужумчиси Аббос Абдуллаев ҳисобни 2:0 га етказди. «Металлург»чилар очколарини 14 тага етказиб, 12-поғонадан

9-ўринга кўтарилишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Д» — «Бухоро» — 2:3; «Трактор» — «Андижон» — 1:1; «Навбахор» — «Қўқон-1912» — 5:1; «Машъал» — «Цементчи» — 2:1; «Нефтчи» — «Насаф» — 2:1; «Қизилқум» — «Пахтакор» — 2:4.

Навбатдаги ўн учинчи тур баҳслари 18 июнь кўни бўлиб ўтади.

Талғат ЮСУПОВ.

Олий табақа жамоаларининг
12-турдан сўнг жадвалда тўтган ўринлари:

Жамоалар	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	12	11	1	0	35-7	34
«Нефтчи»	12	11	0	1	34-7	33
«Қизилқум»	12	7	2	3	22-13	23
«Насаф»	12	7	1	4	23-15	22
«Сурхон»	12	6	2	4	15-15	20
«Навбахор»	12	5	4	3	19-12	19
«Дўстлик»	12	5	3	4	14-17	18
«Машъал»	12	4	2	6	16-12	14
«Металлург»	12	4	2	6	14-23	14
«Самарқанд-Д»	12	4	1	7	17-20	13
«Бухоро»	12	4	1	7	19-22	13
«Андижон»	12	3	3	6	11-13	12
«Трактор»	12	3	3	6	15-30	12
«Цементчи»	12	3	2	7	12-22	11
«Гулистон»	12	3	1	8	9-27	10
«Қўқон-1912»	12	2	0	10	14-33	8

(Давоми.
Боши 1-бетда).



ИРОҚНИ ТИКЛАШ УЧУН

Ироқда Саддам Хусайннинг мустабид тузуми ағдарилганидан сўнг, халқ ўз мамлакатини бошқа давлатлар қатори гуллаб-яшнаган ҳолда кўриш ҳавасига тушиб қолди. Бундай сазй-ҳаракат йўлида қатор тadbирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда АҚШнинг Ироқдаги олий фуқаролик маъмурияти раҳбари Пол Бремер Ироқ иқтисодиётини, инсонларнинг лозим даражада ҳаёт кечириш тарзларини таъминлаш учун иқтисодиётга чет эл инвестицияларини кўплаб жалб этиш кераклигини алоҳида таъкидлади. У мазкур мулоҳазаларни Ироқни қайта тиклаш бўйича иқтисодий кенгаш мажлисида билдирди. Маълумки, мазкур кенгашга 30 нафар киши аъзо ҳисобланади. Ахборот маҳкамаларининг хабарларига қараганда, ушбу кенгаш АҚШ ҳарбий маъмуриятига доимий равишда тавсиялар бериб боради.

РЕФЕРЕНДУМ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Хар бир мамлакат учун пул бирлиги жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт истиқболлари баъйни ана шу омилга боғлиқ. Шу боисдан Буюк Британиянинг янги пул бирлиги — евро амал қилаётган минтакавий ҳудудга қўшилиши айни кунларда ҳукумат ва парламент доираларида катта баҳсларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, парламентнинг қўйи палатаси мажлисида сўзга чиққан Англия молия вазири Гордон Браун бундай ҳатти-ҳаракат қилиш учун ҳали вазият пишиб етилмади, йил охиригача ҳукумат ушбу масалани қайта кўриб чиқажаклигини айтди. Зотан, жорий йилнинг кузида ушбу муаммо юзасидан референдум ўтказишга қарор қилинган. Нима бўлганда ҳам, мамлакатнинг евро минтақасига қўшилиши даргумон бўлиб турипти. Чунки, кўпчилик инглизлар ўзларининг қироличаси расми туширилмаган пулни тан олмоқчи эмаслар, деб хабар берди «Синьхуа» агентлиги.

БАЙРАМ ТАШВИШИ БИЛАН ҚИЗИҚ

Айни кунларда Германияда ўзига хос байрам руҳи ҳамон кезиб юрибди. Чунки, 1863 йилда таъсис этилган «Умумгермания ишчилар иттифоқи партияси» (УГИП) ўзининг 140 йиллигини кенг нишонлади. Кўпгина мамлакатлардан келган жаҳон ижтимоий демократия ҳаракатининг вакиллари ҳамда меҳмонлар ҳузурида нутқ сўзлаган УГИП раҳбари ва мамлакат канцлери Герхард Шрёдер партиянинг босиб ўтган тарихий босқичлари ҳақида гапириб, йўл қўйилган хатолар ва камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Эндиликда парламент ва ҳукуматни бошқараётган УГИП мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, ўзга давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳаларни юксалтириш борасида муҳим қадамлар ташланаётганлигини уқтирди. Ер юзида узок муддатли барқарор тинчлик ўрнатиш, фуқаролар турмуш фаровонлигини таъминлаш, «Агенда-2010» иқтисодий дастури ишига Германия ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади, деди федерал канцлер.

ҚОН ТОМИРЛАРИ СУНЬИЙ КЎПАЙТИРИЛАДИ

АҚШда табобат соҳасида яна бир кашфиёт яратилди. Шимолӣ Каролина штати олимлари инсон териси парчасидан артерия қон томирларини ўстиришга муваффақ бўлди.

Хар йили жаҳонда минглаб одамлар қон томирларининг тораиши туфайли ҳасталанади. Ҳозирги кунгача замонавий жарроҳлик амалиётида мазкур дарднинг ягона ечими эди. Зарар кўрган томир бошқа донор артериясига алмаштирилди. Бироқ бу усул жуда қимматлиги боис уни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаролмайди.

Дарем шаҳрида жойлашган Дьюк университети тадқиқотчилари ўстирган узунлиги 8 сантиметр, қалинлиги 3 миллиметрлик тўртта сунъий томир ҳали бирор беморга жойлаштирилгани йўқ. Олимлар бу ишни амалга оширишга шошилмаётганини ҳақиқати бор, албатта. Гап шундаки, артерияларга h-TERT гени қўшилган. Бу ген уларнинг яшовчанлигини ошириб туради. Бироқ тадқиқотчиларни мазкур ген одатда саратон шишларининг 90 фоизда мавжуд бўлиши ўйлантирмоқда.



Прагининг гўзал бинолари.

Шарҳловчи минбари

ДУНЁ УММОНЛАРИ ИФЛОСЛАНМОҚДА

Кўни кеча АҚШдаги Pew Oceans Commission ташкилотининг дунё уммонлари бўйича йиллик ҳисоботи нашрдан чиқди. Унда ёзилишича, ҳар саккиз ойда дунё океанига бир неча юзлаб баррел нефт оқиб тушиши натижасида уммонлар тозалиги жиддий хавф остида қолган.

Ҳисоботда жаҳондаги энг йирик сув ҳавзаларига келтирилган зарар кўрсаткичлари, сабаб ва бартараф этиш усуллари баён этилган. Хусусан, сўнгги йилларда инсон томонидан сув ҳавзалари қанчалик ифлослантилгани алоҳида қайд этилган. Сувга чиқит ташлаш, уни бекор сарфлаш ва саноатнинг экологик жиҳатдан хавфсизлантирилмагани муаммога айланмоқда.

Охириги ўн йил ичида истеъмол қилинадиган сувда азот миқдори беш баробар кўпайган. 2030 йилга келиб, бу кўрсаткич яна 30 фоиз ошиши кутилмоқда.

2001 йилда вазият мураккаблашуви туфайли АҚШ ҳукумати мамлакатдаги 13 минг чўмилиш ҳавзасини ёпишга қарор қилган. Аммо бу чора уларнинг тозалиги сақланишини таъминлагани йўқ. Ҳисоботда айтилишича, ҳар йили АҚШнинг ўзидан уммонларга 500 миллион тонна чиқит чиқар экан. Мамлакат табиати муҳофаза қилиш идораларидан билдирилишича, денгиз саёҳатига ҳафтада уч мингдан ортиқ йўловчи чиқиши сабабли уммонда

хар кўни 3,5 тонна сув ифлосланади.

Дунё океанларининг ифлосланиши сув ўти ва балиқларнинг камайишига сабаб бўлаётир. Бундан ташқари, сув ҳавзаларида қандайдир номаълум ҳашаротлар кўпайиб бормоқдаки, улар одамларда турли аллергия касалликлар келтириб чиқараётир. Олимлар ҳашаротларнинг кўпайишига ахлат ва минглаб микроблар замин яратаяпти, деган хулосага келмоқда.

Тинч океанининг шимолӣ-шарқий қисмида ноёб балиқлар кун сайин камайиб кетаётир. Авваллари бу ерлар назорат қилинишига қарамай, балиқчилар ноқонуний равишда тонналаб балиқ овлар эди. Ҳозирга келиб, треска ва денгиз камбаласи камёб бўлиб қолди.

Атлантика океанида ҳам аҳвол шу. Бу ерда охириги ойларда наҳангларнинг айрим турлари буткул йўқолиб кетган. Авваллари наҳанглар Буюк Британияда картошка чипслари билан истеъмол қилинадиган махсус таом учун овланарди. Энди британияликлар наҳанг гўштини истеъмол қилишдан ўзини тийишга мажбур.

Ўтган асрнинг 90-йилларигача уммонларда овланадиган балиқларнинг 25 фоизи қайта океанга ташланарди ва шу тариқа маълум турдаги балиқларнинг кўпайишига шароит яратилар эди. Таассуфки, эндиликда бу анъана тўхтаб қолган. Океанларга туташ барча мамлакатлар даромадни эмас, уммонларни қандай қилиб тоза сақлаш мумкинлиги ҳақида бош қотирмоқда.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

БАРМОҚЧА ЖОЙИГА ҚЎЙИЛДИ

Ўн тўққиз ёшли хитойлик Ванг Пенг ота-онаси билан уришиб қолиб, қасдига кўрсаткич бармоғини шартта кесиб ташлади. Йигит жуда чидамли экан, у 2,5 ой бармоғини ўз жойига қўйишларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатди.

Бироқ, Шандунь кишлоқчасидан келган шифокор Ванг Зенгтао анча сабрли экан. У кесилган бармоқни суюқ азот эритмасига солиб қўйди. Ниҳоят 81-кўни йигит ота-онасининг қистовлари билан ўз бармоғига эҳтиёж сезди. Уч соатлик операция вақтида яхши сақланган бармоқ ўз жойига тикиб қўйилди. Мутахассисларнинг фикрича, бармоқ бир неча ҳафтадан кейин ишлаб кетади. «Examiner»да чоп этилган юқоридаги хабар ҳамма-ни таажжублантирди.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ АНИҚЛАЙДИ



Австралияликлар об-ҳаво авзойини олдиндан айтиб берувчи идоралар ишидан жуда-жуда норозилар. Оқибатда соҳа мутахассислари маҳаллий аборигенларнинг тажрибасидан фойдаланишга киришдилар. Улар мевалардаги чивинларнинг ҳатти-ҳаракатига қараб бу йил серсув келадими, ёки қурғоқчилик бўладими, аниқ айтиб беришган. Мазкур қабилаларнинг иш услуби Ер йўлдошидан кўра бехато ишлайди. Хусусан, ёғингарчилик яқинлашганлигини маҳаллий турнанинг келиш-келмаслигидан билиб олиш мумкин. Чунки, бу қушлар сув ҳавзаларида етарлича балиқ бўлсагина учиб келишади. Какаду миллий боғидаги «камеденос» дархтининг гуллаши қурғоқчилик бўлишидан хабар беради.

ЖАЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Айни кунларда Британия полицияси Лондон аҳолисини хавфдан огоҳ қилди. Жаз лақабли бургут машқ чоғида занжиридан бўшаб, номаълум томонга учиб кетган. Қанотларининг парвоздаги узунлиги икки метрдан зиёдроқ бўлган бу ёввойи қуш тулки ва кичикроқ ҳайвонларни овлайди. Аммо, қафасда катта бўлган қушнинг оч қолганда нима қилишини ҳеч ким билмайди. У қуён, ит, мушук ва ҳатто ёш болаларга ҳам ҳужум қилиб қолиши мумкин. Жазнинг эгаси Марк Трайфункнинг фикрича, қуш одамларни кўриб, ўрганган ва маҳаллий аҳолига шикаст етказмаслиги керак. Бироқ, у ҳам Жазнинг икки кунлик очликдан кейин нима қилиши мумкинлигини олдиндан айтолмади. «Ассошиэйтед пресс» агентлигининг хабарига қараганда, полиция лондонликларни зинҳор ушбу ёввойи қуш билан «мулоқотга киришмасликка» чақирди.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

АДИБНИНГ ҚУТЛУҒ ЁШИ

Вилоят «Турон» илмий-универсал кутубхонасида Абдулла Авлоний таваллудининг 125 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, шоирлар, адиб авлодлари ҳамда талабалар иштирок этишди.

Кечани адабиётшунос олим, вилоят кутубхоналар ассоциацияси раиси Наим Каримов кириш сўзи билан очар экан, Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижоди, у яшаган давр аллома меросининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Адибнинг эвараси, актриса Гавҳар Зокирова бобоси ҳақида сўзлаб, Абдулла Авлоний ҳаётида юз берган воқеаларни катта ҳаяжон билан гапирди.

Шунингдек, тадбирда профессор Бегали Қосимов Абдулла Авлонийнинг ижоди ҳақида, унинг нафақат шоир, балки, ўзбек театрининг шаклланишига муносиб ҳисса қўша олган маърифатпарвар, жадидчилик оқидами муҳим ўринга эга бўлган фидойи инсон эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон қахрамони Озод Шарофиддинов адибнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари борасида атрофлича тўхталиб, айти кунда асарнинг ёшлар тарбиясида, уларни оқил ва доно, ватанпарвар, элга садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Кечада адибнинг ижодида доир шеърлардан парчалар ўқилди.

Гули ИСМАТУЛЛАЕВА.

Санъат — гўзаллик демакдир. Бу борада театр санъати алоҳида ўринга эга. Айниқса кўғирчоқ театрининг аҳамияти катта.

Кейинги пайтларда болалар учун ёзилган сара асарлар асосида яратилаётган кўғирчоқ спектакллари ёш томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Шунинг учун ҳам, кўғирчоқ театрлари фарзандларимизнинг сеvimли масканига айланиб борапти. Бун-



Ўзбек Миллий академик театрида янги сахна асарининг тақдимот кўриги бўлиб ўтди. Дилбар Маҳмудова билан Тилаб Маҳмудов каламига мансуб «Умр шомидоғи бахт» лирик драматининг режиссёр Кахрамон Саъдуллаев сахналаштирди.

— Ҳаёт синоатлари инсонни не-не ҳолатларга солмайди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудова. — Биз ўз асаримиз қахрамонларини оиласидан, фарзандлари ва яқинларидан меҳр-оқибат кўрмаган, ҳаётларидан роҳат-фароғат қочган ва охири оқибатда қариялар уйдан паноҳ топган кексалар орасидан танладик.

Айтиш жоизки, ижодий мақсад ниятда оқилона, жозиба-ли амалга оширилган. Саҳнада кечаётган воқеалар жараёни, кўтарилаётган муаммолар, кўз ўнгимизда содда ва жонли тарзда намоён этилаётган инсонлар қисмати ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Биринчи қаторда ўтирган ўрта яшар аёлнинг саҳна воқеалари ривожига муносабатида буни аққол кузатиш мумкин бўлди. Гоҳи дақиқаларда у беихтиёр «оҳ» тортди қолар, шу аснода кичрикларидан бир томчи ёш ялтираб кетарди. Дам ўтмасдан у кулимсираганича бутун вужуди билан саҳнага талпинарди.

Ҳа, мамлакатимиз бош театри ижодий жамо-

БЎЛАЖАК АКТЁРЛАРНИНГ ИЛК АСАРИ

да, албатта, актёрларнинг иқтидорли бўлиши муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада Маннон Уйғ-

ур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти Кўғирчоқ театри санъати факультети битирувчилари томонидан сахналаштирилаётган спектакллар ҳам салмоқли аҳамият касб этаётгани рост.

Куни-кеча факультет битирувчилари диплом спектакллари билан институт раҳбарияти ва соҳа мутахассислари олдида имтиҳон топширдилар. Улар ёзувчи ва драматург Тўлқин Муҳиддиннинг «Аждархор» номли пьесаси асосида сахналаштирилган шу номли саҳна асарини намоёниш этдилар.

Муаллифнинг айтишига қараганда, ушбу пьеса япон ёзувчиси Миеко Матсута қаламига мансуб «Таронинг

саргузаштлари» қиссаси оҳангиде яратилган экан. Ундаги ая, буви, чол, оқ тулпор, сичқон, кўён образлари орқали муаллиф ёш томошабинлар қалбида одамийлик, эзгулик, меҳрибонлик, ростгўйлик туйғуларини шакллантиришга интилади.

Ушбу асарни курснинг бадиий раҳбари, истеъдодли режиссёр Шермат Ҳайитбоев сахналаштирган. Асарда воқеалар ривожини япон ҳаётини акс эттирадиган ҳолатлар ва миллий мусиқа тўлдирди.

Ўйлаймизки, бу спектакль келажакда болалар севиб томоша қиладиган асарлар қаторидан жой олади.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.

СУРАТДА: янги спектакль қаҳрамонлари.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Премьера

асининг янги саҳна асари ёшу қарини безътибор қолдирмади. Зеро, унинг фалсафаси кўнгилга яқин. Ҳар бир инсон бахтли бўлишни, ҳаловатда яшаб ўтишни орзу қиладди. Оилавий бахт шу умидлар ижобатининг асоси. Инсон боласи сўнгги нафасигача шу бахтга интилиб яшайди. Спектаклда ёлғизликнинг ўқик қисмати бошидан кечирган ва уни енгиб ўтган кексаларнинг кўнгил фожияси кўрсатилган.

Улар учун бойлик ҳам, амал ҳам ҳеч нима. Меҳрга ташналик, қалб яқинлигини ҳар сония ҳис қилиб туриш, бу ҳаётдан завқ олиб яшаш иштиёқи янги саҳна асари қахрамонлари Аваз ота билан Ҳадича ая фазилати. Ўрни билан айтилган бир оғиз сўз улар учун тиллолардан, мармар қопланган дангиллама уйлاردан, қўша-қўша машиналару симсиз телефонлардан аёло.

Қариялар ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Пўлат Носиров билан Гулчехра Иброҳимбековалар ўзига хос маҳорат билан ижро этишган.

Янги саҳна асари Тошкент вилоят ҳокимлиги билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ҳомийлигида сахналаштирилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

ЛАБДА КУЛГУ, КЎЗДА ЁШ БИЛАН



олмади. Мини футбол, арқон торттиш, шохмот, стол тенниси мусобақалари қизиқарли ўтди. Таниқли санъаткорлару, ҳавас-

корлик-фольклор жамоалари ўз куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Кристина ТЕН.

«САБАНТҮЙ — 2003»

Тошкентдаги Мирзо Улғабек номли маданият ва истироҳат боғида Сабантўй шодилари уюштирилди.

Маросимни Татаристоннинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси, Татаристон ва Бошқирдистон маданий-маърифий марказлари ташкил этди. Тадбирда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шунингдек Қозоғистон Республикасидан вакиллар қатнашди.

Дастурхонга миллий ширинликлар тортилди. Дилрабо қўшиқлар анжуманга жўшқин руҳ бағишлади. Айниқса, татарча кураш, устунга чиқиш, қошиқда тухум билан чопиш каби ўйинлар барчада қизиқиш уйғотди. Кураш бўйича бош соврин — кўй ўзбек йигитига насиб этди. Полвон кўйни елкасига даст кўтариб, қарсақлар остида курни гир айланиб чиқди.

«Туркистон-пресс».

Тошкент туманидаги 25-умумтаълим мактаби томонидан 2002 йилда Нигматов Фарход Гайратович номига берилган О'Р-З 1400262 рақамли таянч маълумот олганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент туманидаги 25-умумтаълим мактаби томонидан 2002 йилда Қодирхонова Мухлиса номига берилган О'Р-З 1397221 рақамли таянч маълумот олганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги туман молия бўлимининг собиқ мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи **Эргаш ТУРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Халқ сайли

«ТАНО» ЎРТАЧИРЧИҚДА

Ким Пен Ха номли ширкат хўжалигида «Тано» байрами муносабати билан катта халқ сайли бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон корейс маданияти марказлари ассоциацияси, Тошкент шаҳри ва вилоят корейс маданияти марказлари ташкил этди.

Байрам иштирокчиларини Ўртачирчиқ туманининг ҳокими Максим Тиллабоев, корейс маданияти марказлари ассоциациясининг раҳбари Владимир Шин, ширкат хўжалигининг раиси Иннокентий Ли қизгин кутлашди.

«Тано» байрами йил фасллари ўзгариши билан боғлиқ.

Одатда бу байрам экин-тикин ишлари тугаганидан сўнг ўтказилади. Бу айти кўкламнинг ҳаётбахш кучи сўнгги марта намоён бўлиб, ёз бошланадиган кунга тўғри келади.

Байрам шунчалик кўнгилли тус олдики, ҳатто кун булутли бўлганлиги ҳам одамларнинг кайфиятига таъсир кўрсата

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.